



О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SAMARQAND VILOYATI HOKIMINING QARORI

Samarqand sh., Ko‘ksaroy maydoni, 1-uy.

2021 - yil 28 - oktabr

103-7-0-Q/21

Samarqand viloyat hokimligi

**Жомбой тумани “Тўққизбой” маҳалла фуқаролар йиғини
худудидан Жомбой тумани Ички ишлар бўлими таянч пунктнинг
профилактика инспектори учун хизмат уйи қурилиши учун ер
майdonи ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6243-сонли Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 20 майдаги “Ички ишлар органлари таянч пунктларининг профилактика (катта) инспекторларини 2021-2023 йилларда хизмат уй-жойлари билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 317-сон ҳамда 2021 йил 27 августдаги “Ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун доимий фойдаланишга ажратишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида”ги 543-сонли қарорларига мувофиқ, ички ишлар органлари таянч пунктларининг профилактика инспекторларини коммунал-маиший шароитларга эга бўлган, замонавий талаблар ва стандартларга жавоб берадиган қулай хизмат уй-жойи билан таъминлаш мақсадида

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Жомбой туман “Тўққизбой” маҳалла фуқаролар йиғини худудида Жомбой туман Ички ишлар бўлими таянч пунктнинг

профилактика инспектори учун 1 та хизмат уйи қуриш мақсадида вилоят Ички ишлар бошқармасига қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган 0,02 гектар ер майдони доимий фойдаланиш учун ажратилсин.

2. Жомбой туман ҳокимлиги (Қ.Собиров) вилоят бошқарма ва ташкилотлар билан биргаликда:

мазкур объектни белгиланган тартибда лойиҳаолди шаҳарсозлик ҳужжатларини ўз муддатида ишлаб чиқиб тасдиқлаш;

экспертиза хулосаларини олиш ва белгиланган тартибда қурилиш ишларини амалга ошириш чораларини кўрсин.

3. Давлат кадастрлари палатаси вилоят бошқармаси (Я.Давронов) вилоят Қурилиш бош бошқармаси (Л.Ҳамидов), “ЎзГАШКЛИТИ” ДУК Самарқанд филиали (Ғ.Бекбоев) билан биргаликда ажратилган ер майдонлари чегараларини жойида (натурада) белгиласин.

4. Жомбой туман ҳокимлиги (Қ.Собиров), тегишли лойиҳа ташкилоти (лойиҳа муаллифи), вилоят Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси (Х.Жабборов):

ички ишлар органлари таянч пунктларининг профилактика инспекторлари учун бевосита улар хизматни ўтайдиган ҳудудда жойлашадиган хизмат уй-жойларини шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиқ белгиланган муддатларда сифатли қурилишини;

мазкур объектнинг қурилиш-монтаж ишларида қурилиш сифати юзасидан техник, муаллифлик ва давлат назоратини қатъий олиб борилишини;

объектда белгиланган қурилиш-монтаж ишларини тасдиқланган режа-график асосида бажарилишини ва фойдаланишга топширилишини таъминласин.

5. Давлат кадастр агентлиги вилоят бошқармаси (Ғ.Ҳудойқулов), Давлат кадастрлари палатаси вилоят бошқармаси (Я.Давронов), Жомбой туман ҳокимлиги (Қ.Собиров) билан биргаликда мазкур қарор қабул

қилиниши муносабати билан ажратилган ер майдонини белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказсин ҳамда туман ер ҳисоботи (баланси)га тегишли ўзгартиришлар киритсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Шукуров зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими



Э.Турдимов